

## **ҚАДИМГИ ХЕТТ ДАВЛАТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ**

**М.Ш. Болтаев**

*Жиззах лавлат педагогика институти, Тарих факултети*

*2курс магистранти,*

**Ф.А.Ахмедшина**

*Жиззах лавлат педагогика институти, т.ф.д. , профессор*

**Аннотация:** Уибу мақолада ҳозирги даврда ҳам аниқ бир тизимга солинмаган гендер тенглиги назарияси тушунчаси Қадимги Хетт давлати мисолида ўрганилган. Шунингдек, Қадимги Хетт давлати ва унга ёндоши бўлган цивилизацияларда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий нуфузи масаласи солиштириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Марк В. Чавалас, Яққим-Адду Мари, Или-Шаким, Кайсери, „кусата”, „терхата” Арнуванда I, Урҳи-Тешуб, „ҳасава”, Иан Ҳоддер, Аринна, Тия.

Гендер тенглиги, аникроғи: эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик – бу оилада эркаклар ва аёллар ўртасида тенг ҳуқуқларга эришишни назарда тутадиган муносабатлар жамланмасидир. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гендер тенглиги – бу патриархат тизимдан сўнг бошланган ижтимоий-биолгик муносабатларнинг кейинги босқичи ҳисобланиб, ушбу тамойил инсоннинг шахс сифатида шаклланишига тўсқинлик қиласидан барча ижтимоий тўсиқларни ўрганиш ва йўқ қилишдан, шунингдек, ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар шахсиятини англаш учун тенг ижтимоий имкониятларни яратишдан иборат. Гендер тенглиги контсептсиясини танқид қилувчилар буни деярли имконсиз деб билишади, чунки „эркак ва аёл бир-биридан фарқ қиласи, нафақат физиологик, балки руҳий жиҳатдан ҳам“ ва шунинг учун „тенглик“ ҳақида гап борганда „ҳеч қандай савол бўлиши мумкин эмас“, чунки жамият эркакларни аёллар севадиган ишларга мажбур қиласа (дўконларга бориш, кийим-кечак сотиб олиш, юзларини косметика қилдириш, болаларга ғамхўрлик қилиш, хонадонини шинам қилиш) улар баҳтли бўлолмайди. Аёлни, ўз навбатида, жамият уни фақат эркаклар ишини бажаришга мажбур қиласа (ўтин кесиш, машиналарни таъмирлаш, булдозер ҳайдаш") у ҳам ҳаётидан қониқмайди. Баъзи социологларнинг фикрига кўра замонавий жамиятда психика, хулқ-атвор мотивлари ва фикрлаш услуби жинсга боғлиқ деган фикр ҳукмронлик қилмоқда[1]. Бироқ ушбу назарияни кенгроқ ўрганганимизда қадимги цивилизациялардан ҳозирги кунгача кўчиб ўтган кўплаб урф-одатлар ва анъаналар бўйича ижтимоий тузумда аёлларнинг ҳам муҳим роли борлиги инкор этилмайдиган ҳақиқатdir. Қадимги давр аёлларининг жамият ҳаётдаги вазифалари ва ўрнини тушуниш учун биз цивилизацияларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тузилишини ўрганиб чиқишимиз зарурдир[2]. Инсониятнинг тузумининг дастлабки босқичларида ов қилиш ва экин йиғиш асосий даромад манбайи ҳисобланган. Ушбу турмуш тарзида овчи эркак билан

бир қаторда озуқа йиғиши фаолиятини амалга оширадиган аёл ҳам мұхим рол ўйнаганлиги шубҳасиздир. Аммо вакт ўтиши билан турли хил ўсимлик уруғларидан озуқа сифатида фойдаланиш ва ибтидоий дәхқончилик тармоғининг шаклланиши инсон мәхнатига талабни ва қишлоқ хўжалиги ерларини ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Айни шу вақтда ибтидоий жамоа бошқарувида ягона етакчи, эркаклар тоифаси асосий ўринни эгаллади. Шу билан аёллар ўзларига тегишли даражадан узоқлашишга мажбур бўлишди [3]. Кейинчалик улар ўз ҳақ-хуқуқлари учун узоқ давом этган курашларни бошдан кечиришди. Бу жараён тарихий жиҳатдан, аёлларнинг мавжудлиги, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, хуқуқий, маданий ва диний жиҳатдан ижтимоий тенгликка эришиши жамоатчиликда қизиқиш уйғотиб, кенг доирада илмий ўрганишга арзидиган соҳага айланди [4]. Аммо бу вазият ўта мураккаб изланишлар орқали амалга оширилади. Шу ўринда гендер масаласига тўхталиб ўтган тарихчи олим Марк В. Чавалас [5] ўзининг қадимги Яқин Шарқ аёллари тўғрисидаги антологик манбасига таяниб, Месопотамия ва Яқин Шарқ (хусусан, хеттлар ҳудуди) аёллари тўғрисида археологик манбалар ва олимлар кўмагида яқдил қарорлар асосида мукаммал маълумотларни тўплай олганини таъкидлайди. Аммо бу манбада ҳам гендер муаммоси тўлалигича ёритилмаган, балки асосий моҳият аёлларнинг турмуш тарзи билан чекланиб қолган. Шунингдек, Яқин Шарқ аёллари масаласи юзасидан Гарриет Кроуфорднинг мил. авв III минг йиллиқда Месопотамия аёлларининг касбий фаолияти ёритиб берилган бўлса, Марта Рот бу ҳудуд аёлларининг қонуний имтиёзлари чеклангалигини ёзади. Шу билан бирга Оссурия аёллари тўғрисида маълумот берган Ч. Мишел, уларнинг мил. авв XVIII асрга қадар Каппадокия ҳудудида тўқимачилик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланганини айтиб ўтади. Ва бу манбалар ҳисобига биз аёллар ҳақида факатгина умумий тушунчага эга бўламиз [6]. Бу мавзу бўйича манбаларга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, қадимги Яқин Шарқ аёллари масалисига ёндашув Виктор Маркснинг 1902-йилда нашр этилган диссертацияси орқали янада кенгайганини кўришимиз мумкин. Унда Бобилда Новохудоносор хукмронлигидан то аҳамонийлар сулоласи вакили Доро I давригача бўлган аёллар турмуш тарзини, шунингдек оссуршунос олимларнинг қадимги Месопотамия аёллари ҳақидаги баҳсли тадқиқотни ўрганишимиз мумкин бўлади. Классик Афина давлати даврида аёлларнинг чекланган ижтимоий-иқтисодий хуқуқлари билан таниш бўлган қадимги тарихчилар учун Месопотамия аёлларнинг қонун доирасидаги имтиёзли хуқуқларини тадқиқ қилиш, аёллар ҳақида янгича дунёқарашни шакллантириди. Аёллар, умуман айтганда, Бобилда ҳам Мисрдаги каби жуда мустақил эдилар: улар мол-мулкка эгалик қилишлари, хоҳ эркин бўлсин, хоҳ қул бўлсин, судларда ўз хуқуқларини даъво қилишлари мумкин эди. Шунингдек, биз Яқин Шарқ мамлакатлари ҳаётида Рим Весталкаларига ўхшаш, хуқуқ ва имтиёзларга эга бўлган-овоз берувчилар синфи мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шундай бўлсада, қадимги Яқин Шарқ мамлакатлари ҳудудида истиқомат қилҳан эркак ва аёлларини таққослагандан, аёл ўз шахсий эркинлиги чекаланган,

даражаси бўйича эркакдан қуида турган бўлсада, ҳукуқий жиҳатдан қонун олдида бир хил жавобгар бўлган. Эркак уй хўжалиги раҳбари сифатида, хотинларини ҳукуқбузарликлари ёки майда-чуйда нарсалар учун қатл этишлари мумкин эди. Оссурия қонунларига кўра, аёл ҳомиласини туғилмасдан олдин атай туширган бўлса ва бу ўз исботини топса, аёлни хочга михлаш кераклиги белгилаб қўйилган. Аёллар ҳукуқининг камситилиши билан боғлиқ яна бир масалани қадимги Бобил давлатида кўришимиз мумкин. Айни шу даврда эркаклар қарзларини тўлаш учун ўз хотинларини қулликка сотишлари мумкин эди. Расмий манба сифатида сақланиб қолган лой тахтачаларда: Яққим-Адду Мари шаҳрида яшовчи суғориш ишлари бошлиғи Или-Шаким қирол хазинасидан беш кумуш танга қарзи ҳисобига хотинларини қулликка беришга розилигини билдириб мактуб ёзади[7]. Бундай мазмундаги аёллар ҳукуқларининг чекланиши билан боғлиқ ўхшашликлар ва зиддиятларни Хетт давлати ижтимоий-сиёсий хаётида ҳам учратишимиз мумкин. Хеттлар пойтахти Хаттусада олиб борилган археологик қазишмалар чоғида топилган миххат ёзувидаги лой тахтачаларда битилган икки юз моддали қонунлар тўпламида юқорида айтганимиздек, икки хил мазмундаги- аёлларга қарши жиноятлар ёки аёллар томонидан содир этилган ҳукуқбузарликлар акс этади. Бу қонунлар тўпламига асосан, ҳар бир жиноят учунadolатli тартиб белгиланган. Масалан, жароҳат етказилган қиз ва ҳомиладор аёлга нисбатан қаттиқўл муносабатда бўлиш учун белгиланган жазо тури, ҳавфлилик даражасига мувофиқ чора кўришни белгилайди. Шунингдек, қонунлар тўплами орқали аёлларнинг оилавий муносабатлардаги ҳукуқлари, мажбуриятлари, никоҳ ва ажралиш масалалари ҳақида тушуниб олишимиз мумкин бўлади. Ажралиш пайтида нафақат эркақ, балки аёлнинг ҳам ҳукуқлари ҳимоя қилинади. Бундан ташқари, содир этилган жинсий жиноятлар учун жазолар ҳам киритилган. Месопотамия қонунлар мажмуасида Хетт давлати даврига қадар ва ундан кейин қайд этилган баъзи қонунлар, Хетт қонунлари билан ўхшашлигини кўрсатади[2]. Яқинда Марказий Анатолияда олиб борилган қазишмалар қадимги Шарқнинг сўнгги бронза давридаги аёл ва жамият алоқаларини яқиндан кўриб чиқишига имкон беради. Мил. авв II минг йилликда феминизм[8] ҳали ривожланмаган бўлсада, аёлларга ҳурмат кўзи билан қарашган. Туркияning Кайсери шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган жойда қадимги Култепе манзилгоҳи жойлашган. Қазишима ишлари натижасида ушбу жойдаги ахоли пунктларидан кўплаб лой тахтачалар топилди[9]. Ушбу топилмларнинг бари марказий Анатолия иқтисодиётида [аёллар](#) катта рол ўйнаганлигини кўрсатмоқда. Топилмалар таркибида аёлнинг эрига бўлган туйғулари битилган мактуб, шунингдек, яна бир аёлнинг қайнонаси устидан шикоятлари ёзилган битик намуналари топилди. Култепада археологик тадқиқот ўтказган профессор Фикри Кулакўғли бу худуд ҳақида шундай фикр билдиради: "Сиз бу матнларни императорлик архивида ҳам топа олмайсиз, шунингдек, у журналистлар билан сұхбатда қуидагиларни таъкидлади: "Култепе - Анатолиядаги маданий юксалиш бошланган жой ҳисобланиб, одамлар тафаккури бошқа худудларга нисбатан анча олдин тараққий

этган эди." Айни ўша даврда, - деб сўзини давом этади профессор, - аёллар ва эркаклар тенглиги ижтимоий ҳаётнинг табиий қисми эди. Иқтисодиёт ва давлат бошқарувида аёллар мухим рол ўйнаган . Никоҳ,ажралиш тўғрисидаги битимлар ўзаро келишув асосида муҳокама қилинар ва аёллар шартларга розилик намунаси сифатида ўз муҳрларини қўяр эдилар. Тарихчи О.Гарнининг таъкидлашича, Анатолиянинг баъзи жойларида худди Лидия давлатларида бўлгани каби, матриархат тизим сақланиб қолган эди. Жамоавий тузум патриархат оилани қўллаб-қувватласада,аммо Хетт қонунлари аёллар ҳак-хуқуқини ўзида мужассам этган эди[4]. Хетт аёлларининг жуда юқори ижтимоий ва оилавий аҳволи бир қатор тадқиқотчилар томонидан хеттликларда патриархат оиланинг мавжудлиги билан бирга оналик хуқуқларига (ёки унинг кучли қолдиқларига) эга эканлигига ишонишларига сабаб бўлди[10]. Тарихчи Суелнинг таъкидлашича, аёлларнинг ўрни ҳурматга сазовор бўлган, чунки улар Хетт давлати вужудга келгунгача бўлган даврда Анатолияда жамиятларида ҳосилдорлик ва унумдорликни англатади, лекин кейинчалик жамиятда матриархат тендентсия аста-секинлик билан кучсизлана борди ва ташқи сиёsatнинг экспансионистик таъсири натижасида Хетт жамиятида отанинг ҳукмронлиги ошди. Хетт қонунининг 171-моддасида онага ўғлини оиласдан чиқариб юбориш ёки қайтадан қабул қилиш хуқуқини бериш, матриархат даври оиласаридан мерос бўлиб қолган анъаналарнинг излари бўлиб, қонунлар буни ўзида сақлаб қолган[4]. Бироқ, бу ерда аёл эри йўқлигига (еҳтимол у бева бўлиб қолган даврда) унинг ўрнида оила бошчиси сифатида яъни аёлнинг бундай позитсиясини оталик хуқуқининг бир қисми деб ҳисоблаш мумкин[10]. Бошқа даврларда оила маъсулияти ва бошқаруви эркакка тегишли бўлган.Оталар ўз фарзандлари устидан тўлиқ назоратга эга эдилар. О. Гарни, шунингдек, отаси қизини турмушга чиқариш ваколатига эга бўлганлигини ҳам таъкидлайди. Инглиз тадқиқотчисининг фикрича,эркак ўз хотинига нисбатан тўлиқ назоратни никоҳдан сўнг қўлга киритган. Куёв хотинини "қабул қилиб олади", кейин эса унга "эгалик қиласди". Агар у хотинини зино қилаётган пайтда ушлаб олса, унинг тақдирини тасарруф этишга ҳақли.Хетт қонунларининг 197,198-моддаларида хиёнат билан боғлиқ аёллар жинояти давлат суди орқали ҳал этилиб,қатл этиш ҳукми билан жазоланиши,агар ҳукмдор раҳм-шафқат қилсагина ўлимдан қутилиб қолиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.Бироқ аёлнинг бу хатоси хиёнаткор белгисини қўйиш орқали таҳқирланган[11]. Хетт қонунларининг 26-моддасида шу билан боғлиқ масала ёритилган бўлиб,агар эркак зинокор аёлни қилмиши учун ўлдирмаса ва ундан воз кечса уни 12 тангага сотиб юбориши мумкин бўлган[12]. Хетт оилавий тузуми ,асосан, патриархат яъни ота бошқарувига асосланган бўлиб,турмушда ва оила қуришда эркак манфаатлари кўпроқ қўллаб-қувватланади.Никоҳ масаласини кенгрок ўрганадиган бўлсак,бу қадрият бир неча босқичлардан иборат бўлган[13]. Никоҳнинг ўзи одатда куёвдан келиннинг оиласига рамзий совғанинг (хеттча "кусата" ) бериши билан бошланган. Бу бобилликларда мавжуд бўлган "терхата" бериш маросимига тўлиқ ўхшайди. Турли сабабларга кўра, ушбу совғани "келин учун тўлов" деб қабул

қилиш ва хеттлар ёки бобилликларнинг никоҳлари дастлаб "сотиб олинган никоҳ" деб аталганига далил сифатида қараш хато бўлиши мумкин[12]. Тарихчи Кинал бу жараёнга бошқачароқ ёндашади. Хеттларда никоҳ институти аёлни сотиб олишига асосланганлигини исботлайди. Бироқ, у хеттларда эркакнинг аёлга бўлган мулк хуқуки римликларни кидек чексиз эмаслигини, турмушга чиқсан қиз хоҳласа эрининг уйига бориши, агар хоҳламаса отасининг уйида қолиши мумкинлигини кўрсатади[4]. Ўз навбатида, келин отасидан маҳр (хеттча "иввара") олади. Хеттларда келинга отасининг мулкидан улуш сифатида бериши, унинг ўзи ва фарзандларини ҳар қандай ҳолатда (эридан ажралиб бева қолганда) ночорликни бошдан кечирмаслиги учун тақдим этилади. Ва бу улуш отанинг насл-насабини белгилаб берган. Хетт подшоҳлари ўз қизларига никоҳ муносабатларини бошлиш даврида мол -мулк билан бир қаторда, чорва моллари ва ишчилар бўлинмаси каби улушни тақдим этган . Археологик ҳужжатда , Хаттусили иккала қизини ҳам Рамес II га хотин қилиб берган, келинлар Мисрга кетаётганида Хеттлар мамлакатидан катта карvon билан йўлга чиқсанини кўрсатади. Таъкидланишича , бу даврдаги никоҳ Рамзес билан олиб борилаётган дипломатик манфаатларни мустаҳкамлаш учун муҳим эди[3].

Агар тўй арафасида куёв ёки келиннинг оиласи никоҳдан бош тортса, никоҳ шартномаси бекор қилинади ва айборд томон жазоланади[14]. Куёв рамзий совфасидан айрилди, келиннинг оиласи куёвга икки-уч баравар товон пули тўлади. Бундай вазият асосан, Хетт қонунларининг 37-моддасида таъкидланганидек, келин турмушга чиқиши хоҳламай бошқа бирор билан қочиб кетган тақдирда амалга ошган. Агар бу жараёнга кимdir ёрдам берган тақдирда, қочоқлар ҳам уларга эргашганлар ҳам қонун ҳимоясидан ташқарида бўлишлари, яъни куёв томонга товон пули тўлаб берилмаса ёки унинг ўрнига келин қайтариб олиб келинмаса, вазият тақазоси билан ўртадаги можаро сабаб кимdir яраланса, вафот этса, қонун ҳеч бир томоннинг арзини қабул қилмайди. Ва бундай ноқонуний тарзда оила қурганлар жамиятдан ажратиб қўйилади. 35-модда, яна қочиш билан боғлиқ бўлиб, бунда аёл эркин қарор қабул қилган ҳолда камбағал бир чўпон ёки нозир билан қочиб кетса, бу ҳам қонунларга зид равишда яъни тўлов амалга оширилмаган ҳолда ўтказилган никоҳ саналади ва келин уч йилгача қуллик мақомини қабул қилиб олади[4]. Одатда қонуний тарзда янги турмуш қурганлар ўз уйларида яшашга қарор қилишди, лекин хотинининг отасининг уйида қолиши ҳам қонуний деб ҳисобланган бўлиб, бу одат оссуряликлар орасида ҳам учрайди. Агар аёл эрининг уйида вафот этса, унинг маҳри эрнинг мулкига айланади. Аммо агар у отасининг уйида яшаса, вазият Хетт қонунларининг 27-моддасига кўра амалга ошади. Ва бу ҳолат бизгача этиб келган матнларда алоҳида изоҳланмаган бўлса-да, эҳтимол маҳр болаларга ўтган[12]. Яна никоҳ масаларига қайтадиган бўлсақ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланди ва қонунда бу борада батафсил қоидалар мавжуд. Эркак киши онаси, синглиси ёки хотинининг қизи билан (аввалги никоҳдан) ёки отаси ва укаси тириклигига отаси ёки

акасининг хотини билан жинсий алоқада бўлиши ва ўзига оғдириб олиши тақиқланган(190,191,195-моддалар) [13]. Бироқ, аслида Арнуванда I нинг ўзи синглисига уйлангани қонунларга нисбатан зиддиятни келтириб чиқаради[12].

Хетт қонунларининг 192-моддасида оилавий муносабатларда аёл вафот этиб қолган вазиятда,эркак ўз қайнисинглисини никоҳига олишини меёрий жараён сифатида белгиласа [11], 193-моддада тескари вазиятни,яъни, агар эркак вафот этса, унинг беваси аввал унинг акасига, акаси бўлмаса ёки вафот этган бўлса, отасига яъни шу оиладаги эркакка турмушга чиқсан. Қонунда белгиланган левират тизими яхудий одатларига жуда ўхшашдир, унга кўра, агар оилада эркак фарзанд кўрмай ўлган бўлса, унинг акаси (ёки отаси, ёки тирик қолган қариндошларининг энг яқини) бева аёлни хотинликка олишни ва бу никоҳдан бўлган болани марҳумнинг ворисига айлантириши мажбурий бўлган[14]. Хетт қонунларининг 192-193-моддаларига мувофиқ аёл киши левират тизими орқали эрнинг оиласига ҳуқуқий жиҳатдан “боғлаб қўйилган” бўлсада, “эркин” никоҳ билан бошланган оилаларда вазият бошқачароқ бўлиб,аёл ўз хоҳишига кўра эри ва унинг оиласидан ажраб кетиши мумкин бўлган. Бу ерда ажрим масаласи аёлнинг ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун эр ва хотинни шу масалада тенглаштирган (Хетт қонунлари 31-33-моддалар). Бундай ҳолда, умумий оилавий мулк маълум бир қисмга бўлиниш йўли билан тақсимланган. Таъкидлаш керакки, 31-модда - бу хеттлар жамиятидаги ажрим тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона манба ҳисобланади. Аёлларнинг баъзи бир ҳуқуқларини ҳисобга олмасак, қонунлар асосан, эркаклар манфаатини ҳимоя қилган.

Дарҳақиқат, Хетт жамиятида мавжуд бўлган кўпхотинлик аёлларнинг ҳар доим ҳам мустақил тарзда қарор қабул қила олишидан далолат бера олмайди. Кўпхотинлик атамаси асосан, ҳукмдорларга таълуқли бўлиб, уларнинг бош маликаларидан ташқари ҳеч қандай сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаган, аммо хизматкорлик мақомидан озод этилган канизаклари ҳам бўлган. Лекин бу канизаклардан туғилган фарзандлар сиёsatда муҳим рол ўйнамаган. Бироқ истисно тарзда айтишимиз жоизки, Урҳи-Тешуб ҳам канизак фарзанди эди. Бундай вазият Хаттусали III автобиографиясида шундай изоҳланади: ... ва менинг акам вафот этди ... ва ўша пайтда акамнинг қонуний ўғли бўлмаганлиги сабабли, мен Урҳи-Тешубни, канизакнинг ўғлини Хетт мамлакатига бош қилдим... “[10]. Юқоридаги мавзуни давом эттирган ҳолда Хетт давлати аёлларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳақида сўз боргандা улар асосан диний соҳада фаолиаят юритганини кўрамиз. Аёл қўшиқчилар, чолғу чалувчилар, раққослар, фолбинлар, сеҳргарлар-уларнинг баъзилари қул бўлишидан қати назар диний вазифаларда муҳим ўрин эгаллашган. Бундай аёллар Хетт маликалари билан доимий алоқада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Сеҳргарликдан ташқари, Хетт жамиятидаги баъзи аёллар “шифокор” увонига эга бўлганлиги ва улар муаммоли вазиятларни яхши томонга ўзгартирадиган маросимларда фаол рол ўйнаганлиги аниқланди . Хетт тиббиёти анъанавий тиббиёт амалиёти ва маросимларни ўз ичига олган яхлит ёндашувга эга эди. Ушбу табиблар таркибида “кекса аёллар”( бу атама қарилек алматини эмас, балки нуфузни англатган) атамаси

билин танилган тоифа мавжуд бўлиб, бу атама хеттчада “ҳасава”(туғилиш) ҳам дум номланган. Бу тоифа табибларнинг аксарият қисми ҳомиладор аёлларга доялик қилишган. Катта маҳоратга эга бўлган бу аёллар кўпинча маросимларда шифокорлар, сехргар руҳонийлар ва авгурлар каби бошқа соғлиқни сақлаш мутахассислари билан ҳамкорлик қилишган[16]. Хетт давлатида матриархат давридан буён давом этаёнган оналик ибтидоси кейинги даврларда ҳам давлатда ардоқланган. 1993-йилда Чаталхуюқдаги археолог Иан Ходдер томонидан олиб борилган изланишлар давомида топилган она маъбуда ҳайкалчалари, Алачаҳуюқдаги эрта вафот этган болалар билан бирга кўмилган совғалар таркибида бўлган олтиндан ясалган эгизак маъбуда бутлари, шунингдек, Ҳўроузтепадаги қабрдан топилган, боласини эмизаётган аёл ҳайкалчаси яратувчанлик рамзи бўлган оналик тимсоли Қадимги Хетт давлати вужудга келган давр бошларида эҳтиром билан улуғланганлигини кўрсатади[4]. Оналик шон-шуҳрати акс-садоси патриархат тузилма ўрнатилгандан сўнг қуёш маъбудаси Аринна тимсолида эски эътиқод рамзи сифатида сақланиб қолди[10].

Аёлларнинг мустақил ҳақ-хуқуқлари Хетт цивилизацияси давридаги ёзма ҳужжатларга таянадиган бўлсак, аслзода аёллар учун хос бўлганини кўришимиз мумкин[17]. Мил.авв 2-минг йилликнинг бошларида Марказий Анатолияда "кичик подшоликлар" дан ташкил топган сиёсий тузилма илк "шаҳар-давлатлар" бошида рубаум- "қирол" унвонини олган суверен ҳукмдорлар мавжуд эди. Уларнинг ёнида эса доимо рубатум- "малика"си туради. Ёзма ҳужжатларда айтилишича, "қироличалар" тижорат операцияларида ва ўз даврида давлат бошқарувида ҳам қатнашган. Мил.авв 2 -минг йилликнинг бошларида рубатум- "маликалар" нинг мавжудлиги Анатолиянинг бешта шаҳрида, Каниш (Култепа), Вахшушана, Лухузаттия, Анкува ва Тимелкиядаги археолиг тадқиқотлардан сўнг аниқланган[4]. Миср ва Месопотамияда қиролича мамлакатнинг мутлақ ҳукмдори бўлган қиролнинг хотини ҳисобланиб, баъзи диний вазифалардан ташқари, у одатда расмий сиёсий ҳокимиятга, ўз мамлакати, халқи устидан ҳукмонлик қилишга қодир бўлмаган ва у фақатгина қиролнинг қонуний биринчи хоними ролини ўйнаган. Хеттларда эса малика Хетт давлати қироли билан тенг мақомда бўлган мустақил аёл вакиласи бўлиб, ўз ватанида ҳукмонлик қилиш ваколатига эга, шунингдек, ташқи сиёсатда ўз сўзини айта олган[3]. Малика унвони Хетт давлати шаклланган даврларда қирол Лабарнанинг хотини номидан келиб чиқкан бўлиб, "таванна" деб аталган[14]. Шундай қилиб, мил.авв XV асрда ҳукмдор- лабарна ва малика-таванна давлатни бошқарувчи икки жуфтликнинг мустақил мақоми сифатида сақланиб қолди[3]. Хетт монархиясида қироличанинг ваколатлари кенг бўлиб, у бош руҳоний сифатида ҳам хизмат қилган. Қиролича чет эл қироллари билан ёзишмалар олиб бориши, ўз муҳрларига эга бўлиши ва унинг сиёсий хавфсизлигини таъминлаши, шу билан бирга қирол хазинасига мустақил равишда даромад келтириши мумкин эди. Инглиз тарихчиси О.Гарни ҳам Хетт маликасининг сиёсий кучини алоҳида таъкидлаб ўтган[13]. Бунга мисол қилиб, Хаттусили III нинг рафиқаси малика Пудухепанинг давлат бошқарувидаги роли ва нуфузи баландлигини кўрамиз. У ташқи сиёсатда ҳам обрўга эга бўлиб, Миср фирмавни Рамсес II уни ўз синглиси сифатида кўрганини тарихий

хужжатлар орқали билишимиз мумкин[6]. Шунингдек, малика Пудуҳепа Рамзеснинг онаси Тия ва хотини Нефертити билан бир неча бор мактуб алмашган[7].

Хозирги маълумотларга кўра, Анатолия туб аҳолиси бўлмаган, аммо кейинчалик ушбу географик ҳудудга қўчиб келган хеттлар минтақадаги мавжуд сиёсий тузилмани шакллантирган ва ислоҳ қилган қабилалар илмини ўзлаҳтирилар. Бу ҳолат Хетт аёлига ижтимоий ва маданий ҳаётда, кўпинча сиёсий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига имкон берди. Хетт жамиятида ёки хеттлар оиласида жамоат аёлларига маълум ҳуқуқлар берилди. Бироқ, бу ҳуқуқлар Хетт давлатининг юқори синф аёллари ҳуқуқлари билан таққослаганда қониқарли эмас эди. Бу ҳолат фақат хеттларда эмас, балки барча патриархат жамиятларида мавжуд. Даврнинг хозирги ижтимоий ва сиёсий тузилиши натижасида эркаклар жамият, давлат ҳаётида биринчи ўринга чиқиб олдилар. Оила ва жамият ҳомийлигини ўз зиммасига олган эркаклар сиёсий ҳаётда ҳам фаол бўлишлари табиий деб ҳисобланиши керак. Бунга қўшимча равишда, Хетт давлатининг юқори синф аёлларини ифодаловчи маликалар ҳам давлатининг сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўриб ўтдик. Шу нуқтаи назардан, хетт аёллари ва айниқса, маликалар қўшни Месопотамия ва Миср мамлакатларидан бутунлай фарқ қиласи. Дарҳақиқат, Хетт қироличалари юридик ҳуқуқларидан ташқари улар вассал ёки қўшни қабилалар ва давлатлар князларига уйланиш орқали давлатнинг ташқи сиёсатида манфаатларни таъминлаш ва қариндошлиқ ришталари билан ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнашган[3]. Хетт давлатининг қуи даражадаги аёллари ҳам ижтимоий ҳаётда доимий равишида камситилмаган, балки улар ҳам кўп жабҳаларда ўз ҳақ-ҳуқуқларига ва ўрнига эга эди. Бундан ташқари қадимги давр Хетт жамиятида эркаклари кўпинчи ҳарбий юришларда бўлган, савдогарлик юмуши билан уйидан узокда бўлган ҳолатларда хетт аёллари оила бошқарувида муҳим рол ўйнаганлиги ҳақиқатдан йироқ эмас[16].

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Gender\_tengligi.[https://uz.wikipedia.org/wiki/Gender\\_tengligi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Gender_tengligi)

2.Hittit yasalarında kadının yer.<https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/383777>

3.Hititlerde Kadın ve Siyaset.[http://dergiler.ankara.edu.tr/dergiler/18/831/Hititlerde\\_Kadin\\_ve\\_Siyaset.pdf.pdf](http://dergiler.ankara.edu.tr/dergiler/18/831/Hititlerde_Kadin_ve_Siyaset.pdf.pdf)

4.Anadolu'da Hitit Sosyal Yaşamında Kadının Yeri Ve Önemi.[https://www.academia.edu/8991773/Anadolu\\_Da\\_H\\_T\\_T\\_Sosyal\\_Yasaminda\\_Kadin\\_in\\_Yer\\_Ve\\_%C3%96nem\\_](https://www.academia.edu/8991773/Anadolu_Da_H_T_T_Sosyal_Yasaminda_Kadin_in_Yer_Ve_%C3%96nem_)

5.Mark W. Chavalas. <https://faithlife.com/mark-w-chavalas/about>

6.Sources\_for\_the\_Study\_of\_the\_Role\_of\_Women\_in\_the\_Hittite\_Administration.[https://www.researchgate.net/publication/308086649\\_Sources\\_for\\_the\\_Study\\_of\\_the\\_Role\\_of\\_Women\\_in\\_the\\_Hittite\\_Administration](https://www.researchgate.net/publication/308086649_Sources_for_the_Study_of_the_Role_of_Women_in_the_Hittite_Administration)

7.Hittite Queenship: Women and Power in Hittite Anatolia. <https://escholarship.org/uc/item/81x0p8m9>

8.Feminizm. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Feminizm>.

9.Женский вопрос в бронзовом веке.[Женский вопрос в бронзовом веке.](https://trv-science.ru/2020/02/zhenskij-vopros-v-bronzovom-veke/)<https://trv-science.ru/2020/02/zhenskij-vopros-v-bronzovom-veke/>

10.Э. А. Менабде, Хеттское общество, Тбилиси: «Мецниереба», 1965.[https://historylib.org/historybooks/E--A--Menabde\\_KHettskoe-obshchestvo/](https://historylib.org/historybooks/E--A--Menabde_KHettskoe-obshchestvo/)

11.Хеттские законы.<http://www.hist.msu.ru/ER/Etext/hett.htm>

12.Б. А.Николаевич.Брак и семья в хеттском государстве.<https://history.wikireading.ru/230441>

13.Хозяйственная жизнь и общество Хеттском государстве.<https://banauka.ru/2055.html>

14.О.Р.Гарни. Хетты. Разрушители Вавилона. <https://knigger.com/kniga-hetty-razrushiteli-vavilona-256033>

15.Брак, семья и порядок наследования.<http://annales.info/hetts/menabde/04.htm>

16.Women-in-Antiquity-Real-Women-across-the-Ancient-World.<https://www.routledge.com/Women-in-Antiquity-Real-Women-across-the-Ancient-World/Budin-Turfa/p/book/9781138808362>

17.Женщины у хеттов.<http://saraybeach.com/turetskaya-zhenshhina-08/>